

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИ
ТАҲЛИЛИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ****Олимов Мақсуджон Комилжон ўғли**

Тошкент давлат иқтисодий университетининг таянч докторанти

E-mail: mildguy1992@gmail.com

Tel: +998939472758

Аннотация: Ушбу мақолада Наманган вилоятида саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш ҳолати ўрганилди. Наманган вилоятининг саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Шунингдек, вилоятда саноат ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: Саноат, саноат тармоқлари, саноат ишлаб чиқариши, ҳудуд саноат салоҳияти, иқтисодий ўсиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш.

Аннотация: В статье исследуется состояние развития промышленного производства Наманганской области. Проанализированы основные показатели промышленного производственного потенциала Наманганской области. Также разработаны рекомендации по дальнейшему развитию промышленного производства в регионе.

Ключевые слова: Промышленность, промышленные отрасли, промышленное производство, промышленный потенциал региона, экономический рост, социально-экономическое развитие.

Annotation: This article examines the state of development of industrial production in Namangan region. The main indicators of industrial production potential of Namangan region were analyzed. As a result, developed policy recommendations for further development of industrial production in the region.

Key words: Industry, industrial sectors, industrial production, regional industrial potential, economic growth, socio-economic development.

Кириш

Бугунги кунда саноат республикамиз иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бирига ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби шундаки, саноат бошқа соҳалар ва тармоқлардан кўшимча қиймат яратиш, аҳолининг эҳтиёжларини қондиришдаги ўрни ва юқори даражадаги ишлаб чиқариш ҳажми билан тубдан фарқ қилади. Саноат тармоқларининг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига олиб келади. Саноат тармоқларидаги барча қазиб олинган ва етиштирилган ресурсларни қайта ишлаш, улардан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига диверсификация жараёни яхшиланади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ҳам Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида саноат тармоқларини ривожлантириш ва улардаги ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масаласи бугунги кундаги мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган долзарб вазифа эканлигига алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтди: "... иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади".

Гарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятларга ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефтгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда "яшил

иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд”.¹

Бугунги кунда мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланиши нафақат республика, балки ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили

Мамлакат ёки унинг минтақалари мисолида иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш назарияси, ҳудудий ишлаб чиқариш корхоналари самарадорлигини ошириш омиллари аниқлаш масалалари ва муаммолари билан хорижлик олимлардан Casey J. Dawkins², Petr Hlavachek, Petra Olsova³ ва Roberta Capello⁴ каби бошқа олимлар шуғулланишган.

Юқорида санаб ўтилган олимлар ўзларининг илмий изланишлари натижасида ҳудудлардаги ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали фаолияти юритишини таъминлаш, уларда ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш омиллари бўйича назарий тақлифларини ишлаб чиқишган.⁵

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва изчил давом эттириш механизмлари, мамлакат иқтисодиётини ҳудудий ривожлантириш масалалари, иқтисодиёт тармоқлари, хусусан саноат тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини барқарор ошириб боришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва назарий-услубий асослари мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёевнинг фундаментал асарлари ва маърузаларида кенг баён этилган.

Ўзбекистон реал сектор иқтисодиётини, хусусан енгил саноат тизимини тубдан янгилашнинг ўзига хос жиҳатлари, рақобатбардошликни ошириш юзасидан илмий-тадқиқот ишлари мунтазам олиб борилган, бунда Р. Хасанов⁶, Х. Асатуллаев, А. Сувонқулов, Х. Ҳакимов, М. Амонбоев, С. Юсупов⁷ сингари олимларнинг илмий фаолиятини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Дарҳақиқат, кўплаб олимлар биз ўрганаётган муаммо доирасида кўплаб изланишлар олиб борган ва бир қатор натижаларга эришган бўлсада, аниқ бир ҳудуд мисолида, хусусан Наманган вилояти бўйича таҳлилий ишлар олиб боришмаган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг услубий асослари тадқиқот муаммосини ўрганишга имкон берадиган тизимли ёндашувдир. Ушбу тадқиқот давомида умумий илмий ва махсус тадқиқот усуллари: иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш, қиёсий ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган. Ушбу усуллар мақсад ва вазифаларга қараб, ўрганишнинг турли босқичларида ишлатилган.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар туфайли миллий ва ҳудудий саноат салоҳияти ўсиб бормоқда. Хусусан, ҳудудларда сўнгги йилларда ҳукумат томонидан қабул қилинган тармоқ дастурлари ва қарорларида белгиланган параметрларни амалга ошириш ҳисобига иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор ўсиш суръатларига эришилди. (1-расм)

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

² Casey J. Dawkins Regional. Development Theory: Conceptual Foundations, Classic Works and Recent Developments, 2014.


³ Petr Hlavachek, Petra Olsova. Regional Economy and Policy, 2014.

⁴ Roberta Capello. Regional Economics, Second edition. 2012.

⁵ Casey J. Dawkins Regional. Development Theory: Conceptual Foundations, Classic Works and Recent Developments, 2014.

⁶ R. Xasanov, X. Asatullayev, A. Suvonqulov, X. Hakimov. Real sektor iqtisodiyoti va uni prognozlash. O'quv qo'llanma. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. TMI. T.: "Iqtisod-Moliya". 2017. 192 b.

⁷ Юсупов С. The innovative strategy of development of light industry of Uzbekistan, *European journal of economics and management sciences*. № 2/2015.



1-расм. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан фоизда⁸

Статистик маълумотларга кўра 2020 йилда Республика корхоналари томонидан 367,1 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажм индекси 100,7 % ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариши таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши (83,0 %)ни ташкил этди.

Жами саноат ишлаб чиқариши физик ҳажми пасайишининг асосий омили бўлиб, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида - 21,9 % га ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда - 7,9 % га пасайиш кузатилди. Шунингдек, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг - 7,1 % га ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг - 12,5 % га ўсиши кузатилди.

Республикадаги ҳудудларидаги саноат ишлаб чиқариши ҳолатини аниқлаш учун бир қатор ҳудудий саноат кўрсаткичларини таҳлил қилиш зарур. Аввало, ҳудудларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилсак, қуйидаги ҳолатни кузатишимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Ҳудудлар бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари⁹
(ўтган йилга нисбатан фоизда)

	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	106,5	107,8	109,5	108,3	107,9	106,2	108	116,6	105	100,7
Қорақалпоғистон Республикаси	110,4	104,8	109	110	124	166,3	111,1	106,2	105,1	104,1
вилоятлар:										
Андижон	108,6	109,1	115,4	106,3	89,5	74,8	126,8	155,7	114,7	104,6
Бухоро	108,6	104,9	110,3	109,6	111,3	106,5	99,6	104,1	110,5	100,6
Жиззах	114	110	111,7	112,8	119,6	122,8	114,2	111,6	103,5	107,1
Қашқадарё	104,4	98,8	103,5	106,5	105,1	103,8	107,9	108,3	94,0	100,5
Навоий	99,2	103,8	101,4	103,4	103,4	102,5	100,1	104,3	104,3	109,4
Наманган	114,8	110,9	111,1	113,1	114,4	113	114,7	113,8	110,4	115,8
Самарқанд	107,4	118,7	112,2	114	113,1	109,9	104,7	116,7	105,6	102,3
Сурхондарё	107,9	108,6	107,3	111,2	110	107,9	100,5	109,9	107,1	113,9
Сирдарё	111,7	109,7	102,9	106,4	108	113,3	94,2	104,2	103,2	101
Тошкент	103,9	105,2	112,1	106,4	108,1	106,9	105,4	120,3	107,3	103,8
Фарғона	103,8	103,2	108,3	110,3	106,5	102,8	97,4	109,2	102,6	101,7
Хоразм	112,1	108,9	114	144,3	128,7	93,1	121,4	121,5	107,5	103,6
Тошкент ш.	110,8	115,8	114,5	115,9	114,5	113,2	114,8	111,7	105,5	100,6

⁸ <https://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланди.


⁹ <https://www.stat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин, гарчи сўнгги ўн йил ичида мамлакатда саноат ишлаб чиқаришида барқарор ўсиш кузатилмаган бўлсада, ўртача ўсиш суръати 107,6 фоизни ташкил этган.

Маълумотларни таҳлил қилиш орқали шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, саноат ишлаб чиқаришининг сўнгги ўн йил ичидаги ўсиш суръатларини ўртача нисбатда олсак, баъзи ҳудудларда сезиларли даражада юқори, бошқаларида эса жуда паст. Аниқроғи, ушбу кўрсаткич бўйича ҳудудлар ўртасидаги фарқ жуда катта. Масалан, Андижон, Бухоро ва Наманган вилоятлари ўсиш кўрсаткичлари анча юқори, Фарғона, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари паст.

Энди эса, бевосита тадқиқот объекти сифатида ўрганилаётган Наманган вилояти бўйича саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларини таҳлил қилсак, қуйидаги маълумотларни кузатишимиз мумкин.

Дастлаб, Наманган вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиш суръатлари бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилсак, қуйидагича ҳолатни кўришимиз мумкин (2-расм).



2-расм. Наманган вилоятида саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан фоизда¹⁰

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриниб турибдики, сўнгги ўн йилликда вилоятда саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш кўрсаткичлари нафақат ижобий бўлган, балки йиллик ўсиш кўрсаткичи 10% дан пастга тушмаган. Сўнгги ўн йилликдаги ўртача ўсиш кўрсаткичи 13,2% ни ташкил этган.

¹⁰ <https://www.namstat.uz> - Наманган вилояти статистика бошқармаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Наманган вилояти ҳудудлари бўйича саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари¹¹


(ўтган йилга нисбатан фоизда)

	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Наманган вилояти	114,8	110,9	111,1	113,7	114,4	113,0	114,7	113,8	110,4	115,8
Наманган ш.	140,9	107,4	115,8	108,5	114,7	116,8	113,3	115,7	114,4	102,9
<i>туманлар:</i>										
Мингбулоқ	66,6	119,6	111,7	112,9	110,2	104,5	86,8	128,0	81,1	106,0
Косонсой	79,7	91,5	111,9	186,5	125,1	126,0	105,4	117,2	104,1	102,6
Наманган	123,6	128,5	115,7	108,0	115,2	124,9	126,8	135,4	98,9	104,8
Норин	74,7	147,1	134,4	100,3	113,4	107,8	91,8	93,3	76,5	112,9
Поп	109,7	114,7	94,3	113,6	104,8	100,9	108,9	121,8	107,9	108,6
Тўрақўрғон	77,8	125,8	109,3	149,2	108,8	110,7	145,2	97,3	103,9	106,2
Уйчи	123,5	105,7	125,0	157,1	118,9	121,3	116,9	97,0	96,9	100,5
Учқўрғон	109,1	103,8	90,6	107,3	113,7	100,8	126,8	114,5	114,7	116,6
Чортоқ	58,7	134,7	90,5	140,8	116,3	108,4	94,2	104,0	122,8	108,8
Чуст	102,5	106,1	113,1	100,5	104,1	124,9	98,8	108,4	96,6	119,6
Янгиқўрғон	114,3	105,4	102,2	112,7	133,1	62,9	92,9	114,4	105,2	116,8

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, вилоят ҳудудлари бўйича саноат ишлаб чиқариши бўйича ўсиш кўрсаткичларида барқарорлик кузатилмаган, яъни бирор ҳудудда мунтазам равишда ижобий ўсиш кўрсаткичлари таъминланмаган.

Сўнги 2020 йил маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, юқори ўсиш кўрсаткичларини қайд этган ҳудудлар қаторида Чуст, Янгиқўрғон ва Учқўрғон туманларини, паст кўрсаткичли ҳудудлар қаторида Уйчи ва Косонсой туманларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Лекин, юқоридаги кўрсаткич бир жиҳатдан нисбий ҳисобланиб, вилоят ҳудудларининг саноат ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича вилоятдаги ўрни тўғрисида янада аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун вилоят ишлаб чиқариш саноати таркибида ҳудудларнинг улушига оид кўрсаткичларни кўриб чиқишимиз зарур.



3-расм. 2020 йилда Наманган вилояти ишлаб чиқариш саноати таркибида ҳудудларнинг улуши, жамига нисбатан фоизда¹²

¹¹ <https://www.namstat.uz> - Наманган вилояти статистика бошқармаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланди

¹² <https://www.namstat.uz> - Наманган вилояти статистика бошқармаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Юқоридаги расм маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, 2020 йилда вилоят ишлаб чиқариш саноати таркибида Наманган шаҳри 43,6% кўрсаткич билан энг юқори улушга эга ҳудуд эканлигини кузатишимиз мумкин. Ундан кейинги юқори улушли ҳудудлар Наманган (9,6%) ва Тўрақўрғон туманлари (9,5%) бўлган. Янгиқўрғон, Чортоқ ва Мингбулоқ туманлари эса, 2020 йил давомида вилоят саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида энг паст улушга эга ҳудудлар сифатида натижа қайд этишган.

Юқорида таҳлил қилинган кўрсаткичлардан ташқари, вилоят саноат ишлаб чиқаришида таркиби ҳамда унда қайси маҳсулотлар улуши юқорилиги ҳам вилоят саноат ишлаб чиқариши салоҳиятини ўрганишда муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда вилоят ишлаб чиқариш саноати таркибидаги асосий маҳсулотлар келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал

Наманган вилояти ишлаб чиқариш саноати таркибидаги асосий маҳсулотлар¹³

(ўтган йилга нисбатан фоизда)

	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Ишлаб чиқарадиган саноат	100	100	100	100	100	100
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	28,5	28,8	26,8	20,5	22,3	24,2
Ичимликлар ишлаб чиқариш	9,4	4,8	4,4	3,9	4,6	4,5
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	21,9	22,0	28,3	34,4	30,8	26,6
Кийим ишлаб чиқариш	11,7	13,9	13,3	13,2	13,8	15,7
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	4,6	4,4	4,1	4,3	4,6	6,2
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	2,0	1,8	3,9	3,6	2,7	3,5
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	2,8	1,8	2,3	3,5	3,5	3,6

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоят ишлаб чиқариш саноати таркибида бир қатор асосий маҳсулотлар ажратиб кўрсатиш мумкин. Бундай маҳсулотлар қаторида озиқ-овқат маҳсулотларини энг юқори кўрсаткичга эга маҳсулот сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин. Озиқ-овқат маҳсулотлари 2015-2020 йилларда мунтазам равишда энг юқори улушга эга маҳсулот сифатида ўрин эгаллаган ва 2020 йилда вилоят умумий саноат ишлаб чиқариши таркибида 24,2% улушга эга бўлган. Ундан кейинги энг юқори кўрсаткичга эга икки маҳсулот сифатида тўқимачилик ва кийим маҳсулотларини айтиб ўтиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Тадқиқот давомида Наманган вилоятининг саноат ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда унинг ривожланиш ҳолатини ўрганиш учун танлаб олинган ва таҳлил қилинган маълумотлар вилоятнинг саноат ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича дастлабки умумий тасаввур ва фикрларни муҳокама қилиш учун асос бўла олади.

Ўрганилган маълумотлар ва таҳлил қилинган кўрсаткичлар асосида Наманган вилояти саноат ишлаб чиқариши ҳажми сўнгги йилларда мунтазам ижобий ўсиш кўрсаткичларини қайд этаётганини айтиб ўтиш мумкин. Айниқса, 2020 йилги пандемия шароитидан кейин ҳам кичик бўлсада ўсиш кузатилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Яна бир эътироф этишга арзирли жиҳат, вилоят саноат ишлаб чиқариши умумий таркибида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш улушини ортиб бораётгани ҳам вилоятда саноатни барқарор ривожлантириш имкониятлари мавжудлигидан далолат беради.

¹³ <https://www.namstat.uz> - Наманган вилояти статистика бошқармаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланди

Юқорида айтиб ўтилган ижобий ҳолат ва фикрлар билан бир қаторда айрим камчилик ва алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд.

Биринчидан, Наманган вилояти ҳудудларининг саноат ишлаб чиқариши бўйича кўрсаткичлари орасидаги тафовут сезиларли даражада юқори. Яъни, вилоятнинг айрим туманларида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари жуда юқори, айримларида эса жуда паст. Бундан келиб чиқадики, айрим паст кўрсаткичли ҳудудлар устида кўпроқ ишлаш ва уларнинг ҳам ривожланиш "драйвер"ларини ишга солиш зарур.

Иккинчидан, республика умумий саноат ишлаб чиқариши таркибида Наманган вилоятининг улуши пастлигича сақланиб қолмоқда. Бу шундан далолат берадики, вилоятнинг ҳали тўлиқ ишга туширилмаган саноат ишлаб чиқариш ресурслари ва оптимал ишлаши таъминланмаётган саноат тармоқлари мавжуд.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда ҳудудларда саноат ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва барқарор ривожланишини таъминлаш жуда муҳимдир. Бу бевосита ҳудуд иқтисодиётини диверсификация қилишга, турли соҳаларни ривожлантиришга ёрдам беради. Оддий озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги ҳам яшаш шароитларини яхшилашга ёрдам беради.

Шунингдек, ҳудудларда тўғри ташкил этилган саноат корхоналари ривожланишда давом этади ва ўз мижозларига эга бўлади. Рақобат муҳитида ишламай қолган корхона ўз фаолиятини ўзгартиради ёки тугатади ёки бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун бошқа тармоққа ўтади.

Юқорида фикрлар, ўрганилган материаллар ва таҳлил қилинган маълумотлардан келиб чиқиб Наманган вилоятида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун аввало куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- вилоятдаги мавжуд саноат ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Бунда маҳсулот унумдорлиги, ишлаб чиқариш техникалари самарадорлиги, ишлаб чиқариш корхоналари рентабеллигини таъминлаш зарур;

- ишламай турган саноат ишлаб чиқариши корхоналарини қайта тиклаш, янги моддий-техник базани яратиш;

- янги ташкил этилган саноат корхоналари фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, имтиёзлар бериш. Бу борада янги саноат корхоналарини яратиш жараёнини енгиллаштириш, уларга ер ажратиш, солиқ имтиёзларини бериш ва шу каби бошқа қулайлик яратувчи ва рағбатлантирувчи чора-тадбирларни назарда тутиш мумкин;

- саноат ишлаб чиқариши бўйича паст кўрсаткичли туманларнинг ривожланиш имкониятларини ошириш ва жадаллаштириш учун юқори салоҳиятли туманларга бириктириш. Бу бўйича дастлабки босқичда Уйчи ва Чортоқ туманларини Наманган шаҳрига, Косонсой ва Мингбулоқ туманларини Наманган туманига бириктириш мақсадга мувофиқ;

- импорт ўрнини босадиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва жадал ривожлантириш;

- саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонини янада кўпайтириш ва уларни ташкил этишни рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиш ҳамда бу бўйича стратегия ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фармон (2017). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, 2020 йил 29 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

3. Casey J. Dawkins, (2014). Regional development Theory: Conceptual Foundations, Classic Works and Recent Developments.

4. Petr Hlavachek, Petra Olsova, (2014). Regional Economy and Policy.

5. Roberta Capello, (2012). Regional Economics, Second edition.

6. R. Xasanov, X. Asatullayev, A. Suvonqulov, X. Hakimov, (2017). Real sektor iqtisodiyoti va uni prognozlash. O'quv qo'llanma. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. TMI. T.: "Iqtisod-Moliya".
7. Юсупов С, (2015). The innovative strategy of development of light industry of Uzbekistan, European journal of economics and management sciences. № 2.
8. Olimov M.K., Khotamov I.S. (2020) Negative impacts of coronavirus pandemic on industrial production in Uzbekistan and measures to overcome. "Молия ва банк иши" электрон илмий журнали. II сон. март-апрель, 2020.
9. <https://www.president.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.
10. <https://www.stat.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти.
11. <https://www.namstat.uz> - Наманган вилояти статистика бошқармаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида тайёрланди.